

I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (кейинги ўринларда ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 249 136,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 5,3 % га ўсади. ЯИМ дефлятори индекси 2016 йилдаги нархларга нисбатан 118,9 % ни ташкил этди.

2017 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ 7 692 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 3,6 % га ошди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2016 йилга нисбатан % ҳисобида	ЯИМ(ЯҚҚ) ўсишида тармоқ- ларнинг ҳиссаси, %
	2016 й.	2017 й.		
I. ЯИМ	198 871,6	249 136,4	105,3	5,3
<i>шу жумладан:</i>				
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	178 053,1	223 829,8	105,3	4,8
Маҳсулотларга соғ солиқлар	20 818,5	25 306,6	105,3	0,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	178 053,1	223 829,8	105,3	5,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	32 276,8	43 149,8	102,0	0,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	58 546,0	74 876,1	104,8	1,5
саноат	45 398,0	59 650,9	104,6	1,1
қурилиш	13 148,0	15 225,2	105,6	0,4
Хизматлар	87 230,3	105 803,9	106,9	3,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	19 833,2	25 773,9	103,9	0,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	21 113,0	24 553,2	108,9	1,1
бошқа хизмат тармоқлари	46 284,1	55 476,8	107,3	1,9

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 89,8 % ни ташкил этди ва 5,3 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,8 % пунктни ташкил этди). Маҳсулотлар учун соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 10,2 % ни ташкил этди ва ЯҚҚ каби 5,3 % даражада ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,5 % пунктни ташкил этди).

ЯИМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсири кўрсатди ва бу соҳа ўтган йилга нисбатан 6,9 % га ошди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 3,9 % га (ЯИМ таркибидаги улуши – 11,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,9 % га (11,0 %) ва бошқа хизматлар – 7,3 % га (24,8 %) ўсди.

Саноат тармоғининг қўшилган қиймати 4,6 % га ўсди ва ЯИМ таркибидаги улуши 26,7 % ни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлоқ ўсиши суръатига ижобий таъсири 1,1 % пункт даражасида баҳоланди. Саноат тармоғидаги ўсиш асосан тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш (114,6 %) ва ишлаб чиқарадиган саноат (102,8 %) қўшилган қийматларининг ўсиши хисобига таъминланди.


Саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)

	2016 й.	2017 й.	Физик ҳажм индекси, %
Саноат	100,0	100,0	104,6
<i>шу жумладан:</i>			
тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	15,2	19,6	114,6
ишлаб чиқарадиган саноат	74,8	71,4	102,8
саноатнинг бошқа тармоқлари	10,0	9,0	102,6



Кўп квартирали турар жой бинолари, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий инфратузилма обьектлари ва бошқа турдаги қурилишлар бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида қурилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 5,6 % ни ташкил қилди. ЯИМ таркибида қурилишнинг улуши 6,8 % га тенг бўлди. ЯИМ нинг мутлоқ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,4 % пункт даражада баҳоланди.

2017 йил якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ҳам 2,0 % даражасида ижобий ўсиш суръати кузатилди. Ушбу тармоқнинг ЯИМ таркибидаги улуши 19,2 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғидаги ўсиш суръати хисобидан ЯИМ нинг 0,4 % пунктга ўсиши таъминланди.

2017 йил учун ЯИМ (ЯҚҚ) ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси



Ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан % ҳисобида)



- Маҳсулотларга соғ солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Хизматлар соҳаси
- Ялпи кўшилган қиймат
- Саноат (курилишни қўшган ҳолда)

Юқорида келтирилган диаграммада бирламчи секторнинг (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги) ЯИМ таркибидаги улуши 2016 йилдаги 18,1 % дан 2017 йилда 19,2 % га, иккиласмчи секторнинг (саноат ва қурилиш) улуши 32,9 % дан 33,5 % га ошганлигини кўриш мумкин. Учламчи сектор (хизматлар соҳаси) нинг ЯИМ таркибидаги улуши эса, 49,0 % дан 47,3 % га камайди.

2017 йилда мулкчилик шакллари бўйича ЯИМ умумий ҳажмининг 81,0 % иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 19,0 % – давлат секторига тўғри келди.

2017 йил якуnlари бўйича **Қорақалпоғистон Республикаси ЯҲМ** ҳажми 8 285,2 млрд.сўмни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 5,7 % га ўсади. ЯҲМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 103,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 15,2 %), саноат – 107,1 % (32,7 %), қурилиш – 103,6 % (7,5 %), хизматлар соҳаси – 105,9 % (44,6 %) каби худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 4 527,7 минг сўмни ташкил этди ва 4,2 % га ўсади.

Андижон вилояти бўйича ЯҲМ жорий нархларда 14 479,0 млрд.сўмни ташкил этди ва 2016 йил билан таққослаганда 6,7 % га ўсади. Иқтисодий ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 33,4 %), саноатда - 123,5 % (20,8 %), қурилишда – 101,9 % (5,6 %), хизматлар соҳасида – 105,1 % (40,2 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари натижасида таъминланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 4 847,2 минг сўмни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 4,9 % га ўсади.

Бухоро вилоятида ЯҲМ ҳажми 12 283,9 млрд.сўмни ёки 2016 йилга нисбатан 101,7 % ни ташкил этди. ЯҲМ ҳажмининг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 31,0 %), қурилишда – 101,4 % (9,7 %), хизматлар соҳасидаги – 103,8 % (39,6 %) ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,5 % га камайиши кузатилди. Ушбу тармоқнинг ЯҲМдаги улуши 19,7 % ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 0,2 % га ўсади ва 6 616,0 минг сўмни ташкил этди.

Жиззах вилоятида ЯҲМ 2016 йилга нисбатан 2,4 % га ўсади ва 5 762,2 млрд.сўмни ташкил этди. Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 35,2 %), саноатда - 100,4 % (14,3 %), қурилишда – 100,1 % (8,1 %), хизматлар соҳасида – 104,6 % (42,4 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 4 388,9 минг сўмни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 0,5 фоизга ўсади.

Қашқадарё вилояти ялпи худудий маҳсулоти 2016 йилга нисбатан 3,1 % га ўсади ва 17 366,1 млрд.сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсиши худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 22,6 %), саноатда – 104,1 % (35,2 %), қурилишда – 100,4 % (7,6 %), хизматлар соҳасида – 104,0 % ни (34,6 %) ташкил қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 1,1 % га ўсади ва 5 568,8 минг сўмни ташкил этди.

Навоий вилоятида ЯҲМ ўсиши 1,3 % ни ташкил этди ва 12 317,4 млрд.сўмга етди. ЯҲМ тармоқ таркибини 2016 йил билан таққослаганда ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 104,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 18,5 %), саноатда – 98,6 % (53,9 %), қурилишда – 103,1 % (4,8 %), хизматлар соҳасида – 106,3 % ни (22,8 %) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 0,3 % га камайди ва 12 961,6 минг сўмни ташкил этди.

Наманган вилоятида ЯҲМ 10 552,5 млрд.сўмни ташкил этди, бу эса 2016 йил маълумотларига нисбатан 4,2 % га кўпdir. ЯҲМ даги ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 101,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 30,9 %), саноат –

105,0 % (14,9 %), қурилиш – 107,6 % (6,8 %), хизматлар соҳасидаги – 105,4 % (47,4 %) ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,3 % га ўсили ва 3 943,8 минг сўмни ташкил этди.

Самарқанд вилоятида ЯҲМ ҳажми жорий нархларда 18 319,5 млрд.сўмни ташкил этди ва 2016 йил билан таққослаганда 2,5 % га ўсили. Ушбу худудда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,4 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,2 %), саноатда – 102,2 % (18,6 %), хизматлар соҳасида – 104,5 % (43,3 %) ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Қурилиш тармоғида эса, бажарилган ишлар ҳажмининг камайиши қайд этилди, яъни 2016 йилга нисбатан 95,6 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 5,9 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 0,6 % га ўсили ва 4 970,4 минг сўмни ташкил этди.

Сурхондарё вилоятида ЯҲМ 3,7 фоизга ўсили ва 10 633,3 млрд.сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 106,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 40,3 %), қурилишда – 104,1 % (7,7 %), хизматлар соҳасидаги – 104,7 % (43,8 %) ижобий ўсиш суръатлари хизмат қилди. Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индекси 2016 йилга нисбатан 90,0 % ни ташкил этди (ЯҲМ таркибидаги улуши – 8,2 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4274,3 минг сўмни ташкил этди, бу эса 2016 йил маълумотларига нисбатан 1,6 % га кўпdir.

Сирдарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳисобот даврида 2,3 % га камайди ва 5 066,4 млрд.сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг тармоқ таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 36,9 %), хизматлар соҳасида – 105,5 % (33,5 %) ни ташкил этди. Шунингдек, 2016 йил билан таққослаганда саноатда – 84,6 % (24,7 %) ва қурилишда – 95,1 % (4,9 %) ҳажмларнинг камайиши кузатилди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3,8 % га камайди ва 6 259,5 минг сўмни ташкил этди.

Тошкент вилоятида ЯҲМ 23 525,3 млрд.сўмни ташкил этди ва 2016 йил билан таққослаганда 3,1 % га ўсили. ЯҲМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 23,1 %), саноатда – 103,0 % (38,7 %), қурилишда – 100,5 % (3,7 %), хизматлар соҳасида – 103,8 % (34,5 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 1,8 % га ўсили ва 8 268,1 минг сўмни ташкил этди.

Фарғона вилоятида ЯҲМ 4,0 % га ўсили ва 16 773,1 млрд.сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 103,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 23,4 %), саноатда – 102,0 % (24,6 %), қурилишда – 105,9 % (6,2 %), хизматлар соҳасида – 105,1 % (45,8 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4669,0 минг сўмни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 2,4 % га ўсили.

Хоразм вилоятида ЯҲМ 8 232,9 млрд.сўмни ташкил этди, бу эса 2016 йилга нисбатан 4,5 % кўпdir. ЯҲМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 100,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 30,4 %), саноат – 113,2 % (17,3 %), қурилиш – 100,0 % (7,2 %) ва хизматлар соҳасидаги – 105,2 % (45,1 %) ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2,8 % га ўсили ва 4 597,6 минг сўмни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида ЯҲМ 38 642,9 млрд.сўмни ташкил этди, бу эса 2016 йилга нисбатан 8,0 % юқори. ЯҲМ ўсишининг асосий омиллари бўлиб, саноат – 106,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,2 %), қурилиш – 110,9 % (7,4 %) ва хизматлар соҳасидаги – 108,4 % (60,4 %) ижобий ўсиш суръатилари ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 6,4 % га ўсили ва 15 805,5 минг сўмни ташкил этди.

2017 йил учун ялпи ички (худудий) маҳсулот

	ЯИМ (ЯҲМ)		ЯИМ (ЯҲМ) аҳоли жон бошига	
	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	минг.сўм	ўсиш суръати, %
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	249 136,4	105,3	7 692,4	103,6
Қорақалпоғистон Республикаси	8 285,2	105,7	4 527,7	104,2

вилоятлар:

Андижон	14 479,0	106,7	4 847,2	104,9
Бухоро	12 283,9	101,7	6 616,0	100,2
Жиззах	5 762,2	102,4	4 388,9	100,5
Қашқадарё	17 366,1	103,1	5 568,8	101,1
Навоий	12 317,4	101,3	12 961,6	99,7
Наманган	10 552,5	104,2	3 943,8	102,3
Самарқанд	18 319,5	102,5	4 970,4	100,6
Сурхондарё	10 633,3	103,7	4 274,3	101,6
Сирдарё	5 066,4	97,7	6 259,5	96,2
Тошкент	23 525,3	103,1	8 268,1	101,8
Фарғона	16 773,1	104,0	4 669,0	102,4
Хоразм	8 232,9	104,5	4 597,6	102,8
Тошкент ш.	38 642,9	108,0	15 805,5	106,4


2017 йил якунлари бўйича Тошкент шаҳри (108,0 %), Андижон вилояти (106,7 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида (105,7 %) юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Навоий (101,3 %), Бухоро (101,7 %), Жиззах (102,4 %) ва Самарқанд (102,5 %) вилоятларида Республика даражасига (105,3 %) нисбатан паст ўсиш суръатлари кузатилди. Сирдарё вилоятида ЯҲМ хажмининг (2016 йилга нисбатан 97,7 % тенг) камайиши қайд этилди.

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда

Республика бўйича ЯИМ нинг шаклланишида Тошкент шаҳри 15,5 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент вилояти 9,4 % ва Самарқанд вилояти 7,4 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМ ни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (2,0 %), Жиззах (2,3 %), Хоразм (3,3 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (3,3 %) тўғри келмоқда.

2017 йилда ЯИМ ни шакллантиришда худудларнинг иштироки

(ЯИМ га нисбатан % ҳисобида)



2017 йил якунларига кўра, кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида (40,3 %), саноатнинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (53,9 %), хизматлар соҳасининг энг юқори улуши эса Тошкент шаҳрида (60,4 %) кузатилмоқда.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Навоий вилоятида (мос равишда 18,5 % ва 22,8 %), саноатнинг энг кам улуши Сурхондарё вилоятида (8,2 %) қайд этилди.

2017 йилда ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан % да)

